

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил [] ойининг [] куни, жиноят ишлари бўйича [] шаҳар суди, [] шаҳар ИИБ биносидан, очиқ сайёр суд мажлисида, шу суднинг судьяси [] раислигида, судья ёрдамчиси [] инг котиблигида, давлат айбловчиси сифатида [] шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси [], жабрланувчи [] судланувчи [] ва унинг ҳимоячиси адвокат [] инг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди билан айб эълон қилинган:

26.06.1966 йил [] Республикасида туғилган, миллати ўзбек, [] Республикаси фуқароси, маълумоти олий, [] ихтисослаштирилган санъат мактабида ўқитувчи, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, [] яшовчи, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 05.12.2024 йилда олган []

[] га оид 1-1102-2402/292-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатларини тафтиш қилиб, тарафларнинг музокарасини, ҳамда судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [] 2024 йил 21 июль куни соат 09:40 ларда алкоголь мастлик ҳолатида [] шаҳар [] йўли кўчасида жойлашган [] яқинида катта йўл устига чиқиб олиб ҳаракатланган вақтида шу манзилда хизмат вазифасини бажараётган шаҳар ИИБ ЖХХ ЙХХБ бошлиғи [] йўл ҳаракати қондасини бузганлигини маълум қилиб, автомобил йўлининг қатнов қисмидан ҳаракатланаётган автомашиналарга халақит қилаётганини тушунтиришган вақтларида, ўз хизмат вазифаларини олиб бораётган [] хизмат вазифасини бажаргани муносабати билан [] нинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб уни куракда турмайдиган сўзлар билан бир неча маротаба ҳақорат қилган.

Судланувчи [] суд муҳокамасида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, у [] ихтисослаштирилган санъат мактабида ўқитувчи бўлиб ишлашлигини, [] Республикасидан Ўзбекистон Республикасига оиласи билан бирга 1995 йилда кўчиб келиб, [] шаҳрида яшаб келишлигини, турмуш ўртоғи ва фарзандлари Ўзбекистон Республикаси фуқароси эканликларини, [] Республикасида яшовчи акаси [] оғир ахволда бўлганлиги боис акасини кўргани бораман деб 2024 йил 21 июль куни чегара худудига борган вақтида “Гарант”



номли савдо дўконидан олган нарсаларини қарзорлиги пайдо бўлганлиги боис, МИБ [REDACTED] шаҳар бўлими тарафидан уни четга чиқиши учун тақиқ солиб қўйилган бўлганлигини, шу боис акасини кўргани боролмасдан жудаям асабийлашганлигини, шундан сўнг сиқилганидан [REDACTED] шаҳар [REDACTED] йўли кўчасида жойлашган яъни деҳқон бозоридаги спиртли ичимликлар дўконига кириб 400 грамм ароқ ичганлигини, шундан сўнг уйга кетиш учун [REDACTED] деҳқон бозори билан кийим бозорини боғловчи кўприк олдидан таксига ўтириб уйга кетмоқчи бўлиб турган вақтида шу манзилда хизмат олиб бораётган ЙХХБ ходимлари йўлнинг четроқ қисмига ўтиб туришлигини билдиришган вақтида маст бўлганлиги сабабли ЙХХБ ходимларини турли уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, тўғриси ўша куни маст ҳолатда бўлганлиги боис воқеани тўлиқлигигача эслай олмаслигини, бироқ қилган ишидан пушаймонлигини, билиб туриб атайин хизмат олиб бораётган ЙХХБ ходимларини ҳақорат қилмаганлигини, [REDACTED] туманида жойлашган хушёрхонада ўтирган вақтида ўзига келиб кейин бўлган ҳолатни сал пал эслаганлигини, воқеани тўлиқ ҳолатини шаҳар прокуратурасига келиб тушунтириш хати ёзган вақтида ходимлар тарафидан видео тасвир унга кўрсатилган вақтида ҳолатни тўлиқлигигача билиб кейин эслаганлигини воқеа ҳолати содир бўлган куни ИИБ ЙХХБ ходимлари ёки бошқа ИИБ тизимидаги ходимлар унга нисбатан жисмоний куч ишлатишмаганликларини ва унга нисбатан тан жароҳати етказишмаганликларини, ушбу ҳолат бошқа қайтарилмаслигини, биринчи марта шундай бўлаётганини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганини, қилмишидан пушаймонлигини, унга нисбатан қонунда назарда тутилган энгиллик берилишини сўрашини билдириб, кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] [REDACTED] суд муҳокамасида [REDACTED] шаҳар ИИБ ЙХХБ бошлиғи лавозимида 2023 йилдан буён ишлаб келишини, унинг хизмат вазифасига жамоат тартибини сақлаш, йўл транспорт ҳодисаларини олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш каби вазифалар киришини, 2024 йил 21 июль куни [REDACTED] йўли кўчасида жойлашган [REDACTED] деҳқон бозори ва кийим бозорини боғловчи фуқаролар ўтиши учун мўлжалланган кўприк ёнида қўл остидаги ходимлар [REDACTED] ва [REDACTED] билан биргаликда ўзининг хизмат вазифасини олиб бораётган вақтида ёши тахминан 50 ёшлар атрофида бўлган [REDACTED] атта йўлнинг қатнов қисмида турганлигини кўриб, хизмат вазифасини бажариб, [REDACTED] йўлнинг чекка қисмига чиқишини айтган вақтида [REDACTED] уларга қарата турли уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб кетганини, [REDACTED] олдига борган вақтида [REDACTED] маст ҳолатда эканлигини билганини, унга жамоат жойида сўкинмаслик ҳақида қонуний талаб қилган вақтида [REDACTED] уни уятли куракда турмайдиган ҳақоратли сўзлар билан сўкишда давом этганини, ҳодиса жойига ППХ ходимларини чақиртирган вақтида ППХ ходимлари етиб келиб, [REDACTED] [REDACTED] шаҳар 14-даҳа ҳудудидаги профилактика инспектори хизмат хонасига олиб боришганини, [REDACTED] йўл йўлакай ҳам уларни сўкиб кетишда давом этганлигини,



МТПга етиб борган вақтларида ердаги тошни олиб уларга қарата отмоқчи бўлган вақтида қўлидаги тошни олиб қўйганлигини, шундан сўнг хона ичкарасига кирган вақтларида ҳам уни ва ҳамкасбларини турли сўзлар билан ҳақорат қилишда давом этганлигини, фуқаро ўзига келмаганлигидан сўнг [REDACTED] ППХ ходимлари [REDACTED] тумани шифохонасида жойлашган хушёрхонага олиб бориб жойлаштиришганлигини, ҳолат содир бўлган куни [REDACTED] унга ёки ҳолатда қатнашган бошқа шахсларга тан жароҳати етказмаганлигини ва урмаганлигини, фақатгина турли сўзлар билан ҳақорат қилганлигини, ҳолат содир бўлган куни [REDACTED] ҳолатда иштирок этган барчани сўкканлигини, бироқ айнан унга қарата куракда турмайдиган турли сўзлар билан уни сўкиб ҳақорат қилганлигини, орадан анча вақт ўтгани сабабли [REDACTED] кечирганини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини айтиб, кўрсатув берди.

Суд давлат айбловчиси ва адвокатнинг фикрларини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини таҳлил қилиб, гарчи судланувчи [REDACTED] эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроор бўлсада, унинг айби гувоҳларнинг кўрсатмаларидан ташқари қуйидагилар, яъни: тиббий маълумотнома (и.в. 8), тушунтириш хатлари (и.в. 9-13), [REDACTED] гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида сўроқ баённомалари (и.в. 21-23, 49-52), видеотасвирни кўздан кечириш баённомаси (и.в. 24-25), шунингдек жиноят иши материалларида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб ҳисоблайди.

Суд дастлабки тергов органи томонидан [REDACTED] эълон қилинган айблов квалификациясини муҳокама қилиб, судланувчининг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан “жабрланувчини ўз хизмат бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаш” аломатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тайинлашда [REDACTED] қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганини, жабрланувчининг кечирганини, судланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖК 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топгани ҳолда судланувчи [REDACTED] жиноятни маст ҳолатда содир этганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига кўра жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 2-бандига кўра “Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англамайди. Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган,



етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим” деб кўрсатилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларига амал қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳисобга олиб, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, шунингдек иш судда кўрилаётган вақтгача [REDACTED] ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этиб, судланувчи [REDACTED] нисбатан юритилган жиноят ишини Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддаси талабларидан келиб чиқиб, унга нисбатан ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди билан юритилган шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддаси 3-қисмининг 3-бандига асосан жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқаришни, Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасига асосан жазодан озод қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

[REDACTED]
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

[REDACTED] нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Тарафлар ҳукм устидан ушбу суд орқали [REDACTED] вилояти судига ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида апелляция шикояти ёки протести, ҳукм қонуний кучга киргач, кассация шикояти ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:- [REDACTED]

Аслига тўғри:

